

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июль куни амалий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида «Келажак ўйинлари» III халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Анъанавий спорт турлари ва уларнинг рақамли шаклларини мужассам этган ва 29 июлдан 9 августга қадар давом этадиган ушбу мусобақада 50 дан ортиқ мамлакат вакиллари, жумладан, Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 30 июль – 1 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Жорий йил 4–6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Парламентларо иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси бўлиб ўтади. Олий Мажлис Сенати Раиса Танзила Норбаева раҳбарлигида мазкур конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита йиғилиши ўтказилди.

26–29 июль кунлари Қирғиз Республикасининг Исикқўл вилоятида «Ўзбекистон маданияти кунлари» бўлиб ўтди.

Мазкур маданий лойиҳа Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки қардош халқнинг кўп асрлик дўстлиги ва муштарак маданий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Кобул шаҳрида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида транспорт, транзит соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган музокаралар бўлиб ўтди.

Учрашув давомида икки давлат ўртасида автомобиль юк ташувларини ривожлантириш, миллий ташувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда Афғонистон ҳудудида Ўзбекистон ташувчиларидан ундириладиган йиғимларни мақбуллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Жонажон юртимизда қарор топган
миллатлараро дўстлик ва аҳилликни —
мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз
қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг
олий бурчимиз эканини ҳар доим ёдда
тутишимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**30 ИЮЛЬ —
Халқлар
дўстлиги куни**



Алимурод Мамадаминов (ЎЗА) олган сурат



ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ 9,2 ФОИЗГА ЎСДИ

Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра,
2026 йилнинг январь–июнь ойларида аҳолининг умумий даромадлари:



Ўзбекистон
Республикаси
Миллий
статистика
қўмитаси




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ РАҚАМЛАРДА



Ўзбекистон Республикаси
Миллий статистика
қўмитаси

2026 йил 1 июль ҳолатига (январь–июнь)



* Рўйхатга олишнинг яқиний натижалари эълон қилинганидан сўнг
доимий аҳоли сони белгиланган тартибда, рўйхатга олиш натижалари
асосида эълон қилинади.
Шу муносабат билан, 2026 йил 1 июль ҳолатига демографик
кўрсаткичлар жорий ҳисоб-китоблар — Адлия вазирлиги ва Ички
ишлар вазирлигининг маълумотлар интеграцияси асосида
шакллантирилган.

1211 эшитади

БОЛА ПУЛИ ТЎЛАНДИГАН БЎЛДИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга
муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш,
хусусан, фарзанд тарбияси билан банд
бўлган оналарга кўмак бериш давлат
сиёсатининг устувор йўналишларидан
бирига айланган. Бироқ баъзи жой-
лардаги бюрократик тўсиқлар ёки ти-
зимдаги тушунмовчиликлар сабаб ман-
зилли ёрдам айнан муҳтожларга етиб
боришида узилишлар кузатилмоқда. Ҳа-
зораслик Дилором Отажоновна ана шун-
дай тушунмовчиликлар туфайли икки
йил сарсон бўлди.

Дилоромнинг тўрт нафар вояга етмаган
фарзанди бор. Рўзгор ташвишлари, бо-
лалар парвариши билан банд аёл ҳеч қа-
ерда ишламайди. Оиланинг ягона боқувчиси
бўлган турмуш ўртоғи Шейхназар Салоевнинг
топгани кундалик тирикчиликка зўр-базўр
етади.

Илгари ажратилган бола пули оила учун
яхшигина мадад эди. Норасидаларнинг ки-
йим-кечаги, ўқув қуроллари ва дафтар-ки-
тобига етиб турганди. Икки йил муқаддам
ижтимоий нафақанинг тўхтатиб қўйилиши
оилани жиддий моддий қийинчиликка дучор
қилди.

Аёл ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва фарзандлари ман-
фаати учун турли ташкилотлар эшигини
қокди, аммо масала ҳал бўлмади. Ахирги Ўз-
бекистон касба уюшмалари Федерацияси-
нинг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим
қокди. У ёрдам пули машинаси йўқлиги,
турмуш ўртоғининг кредитга олинган мото-
цикли борлигини ҳам баён қилди.

Мурожаат зудлик билан тегишли мутасад-
диларга йўналтирилди. Аҳвол атрофлича ва
холисона ўрганиб чиқилгач, шу йилнинг июль
ойидан бошлаб Д.Отажоновнага бола пули қайта
тўлана бошланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Тошкентда 1 миллиард долларлик икки қаватли ҳалқа йўли қурилиши мумкин

Тошкент шаҳрида узунлиги 100
километр бўлган икки қаватли
пуллик автомобиль ҳалқа йў-
лини қуриш режалаштирилмоқда.
Лойиҳа қиймати \$1 млрд. бў-
либ, уни Хитойнинг China Railway
Construction компанияси амалга
ошириши кўзда тутилган.



● **Xinjiang Hui'er Agricultural**
— йўлбўйи ҳудудларини ландшафт
дизайни асосида қўқалам-
зорлаштириш.

Шу билан бирга, Тошкентда ин-
теллектуал транспорт тизимини
жорий этиш, адаптив светфор-
лар ва сунъий интеллект асосида
транспорт оқимини таҳлил қи-
лиш бўйича хорижий компания-
лар билан музокаралар олиб бо-
рилмоқда.

Шаҳарнинг транспорт мастер
режаси ва макромоделини ишлаб
чиқиш вазифаси эса танлов ёлиби
— Step City компаниясига топши-
рилган.

Лойиҳани 2026 йил сентябрь ойи
яқунига қадар якунлаш режалашти-
рилган.

@ishonchuz_official



Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво.
Алишер Навоий

Масъул ташкилотчининг бир куни

ҲАР БИР ҚАРОР ОРТИДА – ИНСОН МАНФААТИ

Душанба кунги аппарат йиғилишида Райхон Носирова навбатдаги иш ҳафтасининг устувор вазифаларни белгилаб берди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси сифатида унинг ҳар бир қарори минглаб устоз ва мураббийлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган.



Йиғилиш вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган молиявий ишлар таҳлилидан бошланди. Ташкилот маблағларининг 15 фоизлик қисми мақсадли ва самарали сарфлангани, умумий молиявий ҳолат, шунингдек, бир фоизлик аъзоллик бадаллари тушуми атрофлича кўриб чиқилди.

Райхон Носирова маълумотларни умумлаштириб, Республика кенгашига тақдим этиш учун тайёрлади. Шунингдек, эртанги кунга режалаштирилган шаҳар ва туман кенгашлари бухгалтерлари учун амалий семинар молиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, мутахассислар малакасини ошириш ва тизимда ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилишини ҳаёлидан ўтказди.

– Маблағлар шаффоф ва мақсадли сарфланса, таълим ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мумкин, – дейди Райхон Носирова. – Ҳар бир масалага ҳуқуқий ва таҳлилий ёндашиш, ўқитувчининг қадри ва манфаатини амалда ҳимоя қилишни асосий касбий бурчим, деб биламан.

Касаба уюшмаси масъул ташкилотчисининг кунлик фаолияти шу билан чекланмайди. Унинг диққат

марказида, энг аввало, инсон, унинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимояси туради. Шу куни ходимлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам ўрганилди. Болаларнинг оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш мақсадида тўрт навбат учун маблағларни ўз вақтида ўтказиш, бешинчи навбат учун йўлланмалар харид қилиш масалалари бухгалтерлар билан биргаликда муҳокама қилинди. Бу жараёнда ҳар бир боланинг мазмунли ва хавфсиз ҳордиқ чиқариши, ота-оналар хотирjamлиги асосий мезон сифатида белгиланди.

Ёзги мавсум қизғин паллага кирган бир пайтда ходимлардан келиб тушаётган шахсий мурожаатларни жойида ўрганиш ва уларга амалий ечим топиш ҳам масъул ташкилотчи фаолиятининг муҳим йўналишлари.

дан бири ҳисобланади. Меҳнат таътили даврида санаторийга йўлланма сўраган ходим мурожаати дарҳол ҳал этилди.

– Асосий вазифамиз ўқитувчиларимизнинг муносиб шароитларда меҳнат қилиши ва мазмунли дам олишини таъминлашдир. Жойлардаги ҳар бир мурожаатни адолатли ҳал этиш ва тизимда шаффофликни таъминлаш фаолиятимизнинг бош мезони бўлиши лозим, – дейди у.

Таълим соҳасидаги долзарб масалалардан бири – педагогларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ходимларнинг меҳнат таътилидан қайтиб, ишга киришиши муносабати билан мактаб раҳбарларига уларни турли шаклдаги мажбурий меҳнатга жалб этмаслик юзасидан тавсиявий ва огоҳлантирувчи хатлар тайёрланди. Ушбу ташаббус пе-

дагогларнинг фақат ўз касбий вазифалари билан шугулланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий маслаҳат бериш ҳам кунлик иш жараёнининг ажралмас қисми. Бухоро туманидаги мактаб директорларидан бири 76 ёшли, ҳозирда бетоблиги сабабли иш фаолиятини давом эттира олмаётган ўқитувчи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби юзасидан мурожаат қилди. Райхон Носирова Меҳнат кодексининг 161-моддаси асосида тушунтириш бериб, томонларнинг қонуний манфаатлари таъминланишига кўмаклашди. Кун давомида шаҳар ва туман кенгашларига берилган топшириқ ва кўрсатмалар эса тизимнинг ягона механизм сифатида аниқ, мувофиқлаштирилган ва узлуксиз ишлашини таъминлашга хизмат қилди.

– Райхон опа раҳбарлигида ишлаш биз учун катта тажриба, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гиждудон тумани кенгаши раиси Юнус Ҳомидов. – У кишининг ҳар бир молиявий ва ташкилий масалага синчковлик, талабчанлик ва масъулият билан ёндашиши бизда ишга бўлган масъулиятни янада оширади. Айниқса, касаба уюшмаси маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича бериладиган кўрсатмалари фаолиятимиздаги хато ва камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Хуллас, касаба уюшмаси масъул ташкилотчиси бўлиш юксак масъулият, тинимсиз таҳлил, адолат таомиллига содиқлик ва энг муҳими, инсон манфаатини устун қўя билиш демакдир. Ана шу фазилатлар Райхон Носированинг ҳар бир иш қунида, ҳар бир қабул қилинган қарор ва ҳал этилган мурожаатда ўз амалий ифодасини топмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Семинар

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида сайёр амалий семинар ўтказди. Унда тармоқ касаба уюшмасига аъзо давлат ва ҳўжалик бошқаруви, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда улар тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари иштирок этди.

МЕҲНАТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ

Ўқув машғулотида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш, шунингдек, меҳнат қонунчилиги талабларини амалиётга самарали татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир Маҳмуджон Исаев комиссияларни тармоқ ва бошланғич ташкилотлар даражасида тузишнинг ҳуқуқий асослари, улар фаолиятини Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ ташкил этиш юзасидан тушунчалар берди.

Семинарда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар тақдим этилди. Иштирокчиларга улардан амалиётда самарали фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг иссиқ-иклим шароитидаги меҳна-

тини муҳофаза қилиш меъёрларини тақомиллаштириш, норасмий бандликни мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари аъзоларини ижтимоий суғурта билан қамраб олиш механизмларини кенгайтириш, имтиёз ва кафолатларни молиялаштириш манбалари бўйича тизимлаштириш юзасидан таклифлар билдирилди. Ушбу таклифларни тармоқжамоа келишувини тақомиллаштириш жараёнида инобатга олиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Семинар меҳнат соҳасида ижтимоий шериклини янада ривожлантириш, жамоа шартномалари ва келишувлари таъсирчанлигини ошириш, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Шоҳида БЕГИМКУЛОВА,
Ўзбекистон агросаноат
мажмуаси ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
бўлим мудир

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсати бугун оддий қишлоқ аёллари учун ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Қишлоқ аёллари муаммоларини манзилли ўрганиш, саломатлигини тиклаш, касб-ҳунар эгаллаш, тадбиркорлик бошлаш ва муносиб турмуш шароитига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитлар бунинг яққол исботидир.

АЁЛГА ИМКОНИЯТ – ОИЛАГА БАРАКА

«Аёллар дафтари» ана шу мақсадларни ҳаётга татбиқ этаётган муҳим ижтимоий механизмлардан бирига айланди. Тизим орқали минглаб хотин-қизлар зарур кўмак олиб, ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

Улардан бири Сирдарё вилояти Ширин шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида яшовчи 46 ёшли Наргиза Карабаевадир. Яққа-ёлғиз яшаётган Наргиза «Аёллар дафтари»га киритилгач, 2022 йилда уй-жой билан таъминланди. 2025 йилда кўзида, 2026 йилда эса ўт пуфагида жарроҳлик амалиёти бепул амалга оширилди. Бугун унинг кўзидаги қувонч ва миннатдорлик давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор инсон ҳаётини қай тарзда ўзгартира олишини яна бир бор кўрсатди.

Сирдарё вилоятида 30 ёшдан ошган хотин-қизлар сони 228 115 нафарни ташкил этади. Шундан 27 029 нафари, яъни қарийб 12 фоизи «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига киритилган. Рўйхатдаги хотин-қизларнинг 9 минг 993 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож иш-сизлар, 2 минг 428 нафари тадбиркорлик қилиш истагидаги эҳтиёжманд аёллардир. 621 нафар хотин-қизнинг уй-жой шароитини яхшилаш, 8 минг 559 нафарининг эса тиббий ва психологик ёрдам олишга эҳтиёжи бор. Ҳозирга қадар рўйхатга киритилганларнинг 73 фоизига амалий кўмак кўрсатилган.

Муҳими, ёрдам бир марталик нафақа ёки моддий кўмак билан чекланиб қолмаяпти. Хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, ўз меҳнати ва ташаббуси билан турмушини яхшилашга хизмат қилаётган ме-

ханизмлар кенгаймоқда.

Боёвут туманининг «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Дилноза Аҳмадова бунга мисол бўла олади. У ҳам «Аёллар дафтари»га киритилгач, имтиёзли кредит ҳисобидан 100 миллион сўмлик насбдор қорамоллар харид қилди. Бугун у кунига қарийб 80 литр сут сотмоқда.

– Олинаётган даромад кредит тўловларини қоплашга етади. Сут соғиш аппарати меҳнатни анча енгиллаштирди. Чорва учун ем-хашакнинг бир қисmini томоркамдан оламан, – дейди у.

Бир маҳалладаги муваффақият кўшни ҳудуддаги аёлларга ҳам туртки бермоқда. «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Наргиза Тўраева ўн йилдан буён курут тайёрлаб сотади. Ишлаб чиқариш учун қўшни маҳалладаги хотин-қизлар етказиб берадиган сутдан фойдаланади.

У 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига курут тайёрлаш ускунасини харид қилгач, вақт ва меҳнат сарфи сезиларли даражада қисқарди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми уч баравар ошди. Бу ўзгариш Наргиза Тўраеванинг даромади кўпайиши билан бирга, унга сут етказиб бераётган бошқа оилалар учун ҳам барқарор бозор яратди.

Энг муҳими, бугун «Аёллар дафтари» хотин-қизларга нафақат ижтимоий ёрдам кўрсатувчи тизим, балки уларни ўз меҳнати билан даромад топаётган, ташаббус кўрсатаётган ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган фаол инсон сифатида қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Маржона ҲАЙИТБОВА,
Сирдарё вилояти

Андижон шаҳрида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги масалаларига бағишланган минтақавий ўқув-семинар ўтказилди. Унда меҳнат шароитларини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касб касалликлари профилактикасини кучайтириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси», Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Республика телеушати маркази, «Алоқабанк» ҳамда тармоққа дахлдор бошқа ташкилотларнинг Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларидаги филиалларида фаолият юритаётган меҳнат муҳофазаси мутахассислари, вакиллар ва бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари раислари иштирок этди.

Меҳнат муҳофазаси йирик саноат корхоналарида қанчалик муҳим бўлса, ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасидаги ташкилотларда ҳам шунчалик долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, мониторинг қаршида узок вақт ишлайдиган ходимларнинг кўриш қобилиятини асраш, умуртқа поғонаси ва таянч-ҳаракат тизими билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш устувор вазифалардан саналади.

Хиванинг қади-мий дарвозаларидан кириб келишингиз билан гўё вақт карвони сизни бир неча аср ортга олиб кетгандек бўлади. Кўҳна шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, маҳобатли миноралари ва асрий обидаларида ўтмиш нафаси сезилиб туради.

КЎҲНА КЕНТГА МАРОҚЛИ САЁҲАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши жамоаларида фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ҳамда бир гуруҳ ёшлар учун Хоразмга маърифий саёҳат ташкил этди.

Сафар иштирокчилари воҳанинг бой тарихий-маданий мероси, қадимий обидалари ва диққатга сазовор қадимжолари билан яқиндан танишдилар. Ичан қалъанинг бетакрор меъморий муҳити, асрлар

ўтган мадраса, масжид ва миноралар уларда катта таассурот қолдирди.

– Ушбу саёҳат мазмунли ҳордиқ чиқариш билан бирга, юртимизнинг бой тарихи ва маданиятини янада чуқурроқ англаш имконини берди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Алмирдон Тўхтаназаров. – Илгари китоб ва интернет орқали кўрган обида-

ХАВФСИЗ ШАРОИТ САМАРАДОРЛИКДА МУҲИМ ОМИЛ



Алоқа соҳаси мутахассисларининг юқори қучланишли қурилмалар, сервер марказлари ва баландликдаги иншоотларда ишлаш жараёнида техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиши турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олади. Почта тизими ходимлари учун эса логистика ва саралаш марказларида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, оғир юкларни тўғри кўтариш ва ташини, белгиланган ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу талабларга эътиборсизлик жараҳатлар ва касб касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2025 йил 21 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ҳамда 2025 йил 24 декабрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари моҳияти, хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

Тармоқ Республика кенгаши меҳнат техник инспектори Равшан Наралиев ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи Камолиддин Содиқхўжаев иштирокчиларга соҳадаги

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти юзасидан батафсил тушунчалар беришди.

Машғулотларда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, хавфсиз техника ва технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда амалиётга жорий этишни рағбатлантириш, фан-техника ютуқлари, илгор миллий ва хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларда жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартиблари атрофлича ёритилди.

Мунозараларга бой ўтган тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилнинг вазифалари, ҳуқуқ ва кафолатлари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш каби жиҳатлар юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Тадбир иштирокчиларига мавзу бўйича электрон шаклда материаллар тақдим этилди.

Нурилло НЎҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Ички туризм

таассуротлар иштирокчилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини ҳам мустаҳкамлади.

Қолаверса, маърифий саёҳатлар меҳнат жамоаларида соғлом ижтимоий муҳитни қарор топтириш, ходимларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва юртимизнинг тарихий масканларини кенг тарғиб этишнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

ФИРДАВСИЙ

МАРКАЗ ДИПЛОМАТИЯСИ

ёхуд Ўзбекистон ўз географик жойлашувини сиёсий, иқтисодий ва маънавий ресурсга айлантирмоқда

НИГОҲ

Мамлакатимиз қитъанинг қоқ киндиги — марказида жойлашган. Марказ эса баъзан йўллар туташадиган, баъзан манфаатлар, босимлар ва қарама-қаршиликлар тўқнашадиган ҳудуд. Марказий Осиё асрлар давомида ана шу икки қисмат оралиғида яшади. Буюк ипак йўли гуллаб-яшнаган даврда Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, илм-фан ва маданият кўприги вазифасини бажарди. Денгиз йўлларининг юксалиши, империялар рақобати, ёпиқ чегаралар ва транспорт қарамлиги эса минтақамиз жойлашувини афзалликдан кўра муаммога айлантирди.

Мамлакатимиз мустақилликдан кейинги чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида ҳам дунёнинг энг катта бозорларига яқин бўлса-да, денгиз портларидан узоқ; цивилизациялар чорраҳасида бўлса-да, кўп йўналишларда транспорт тўсиқларига дуч келган; катта тарихий меросга эга-ю, минтақавий ихтилофлар туфайли ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаган давлат сифатида қолаверди...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 3-6 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банкининг йиллик йиғилишида Ўзбекистонга қадимдан «Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни богловчи марказ», дея бежиз таъриф бермади. Унинг замирида тарихий хотирани ёдга солишдан-да залворлироқ маъно яширин. У мамлакатимизнинг сўнгги ўн йиллик ташқи сиёсати мазмун-моҳиятига ҳам бевосита дахлдор. Зеро, Ўзбекистон қитъа марказидаги жойлашувини фойдаланиш лозим бўлган жиддий стратегик ресурс сифатида кўряпти. Бу жараёни марказ дипломатияси, деб аташ тўғри бўлади.

Марказ атамаси минтақа устидан ҳукмронлик даъвоси ёки қўшни давлатлар номидан ҳам қарор қабул қилиш истагидан тўғилаётгани йўқ, асло. У турли манфаатларни боғлаш, умумий лойиҳаларни ҳаракатга келтириш, мулоқот учун ишончли майдон яратиш ва мамлакат географиясини транспорт, савдо ҳамда сиёсий таъсир имкониятига айлантириш каби улкан мақсад билан чамбарчас боғлиқ.

Агар дўппини бир четга олиб фикрлайдиган бўлсак, ушбу сиёсат замирида Марказий Осиё – таянч, кўп векторлилик – усул, иқтисодий лойиҳалар – восита, халқаро ташаббуслар эса мамлакат имкониятларини кенгайтириш деб кўрилаётган механизм ётганини англаб етамиз.

ТАШҚИ СИЁСАТ ИЧКИ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЯНАДИ

Ташқи сиёсат самарасини Президентлар учрашувлари, расмий таширлар ва саммитлар билан ўлчашга одатланганмиз. Аслида давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрў-эътибори ички қудрати билан белгиланади.

Иқтисодиёти ёпиқ, қонунари беқарор, инфратузилмаси заиф ва қўшилари билан муносабатлари мураккаб давлатнинг дипломатия баёнотлари қанчалик баланд янграмасин, бировларга жозибадор ва ишончли кўринмайди. Ташқи сармоядорлар, энг аввало, давлат бозори, институтлари, кадрлари ва келишувларни амалга ошириш қобилиятига қарайди.

Шу маънода, сўнгги йиллардаги Ўзбекистон ташқи сиёсати ички ислохотлар зарурати асосида шаклланаётгани бор гап.

2016 йилдан сўнг иқтисодиётни эркинлаштириш, валюта бозорини очиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳудудлар инфратузилмасини янгилаш ва жаҳон қўшилган қиймат занжирларига уланиш сиёсати ташқи алоқалар учун янги имкониятлар яратди. Президентимизнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиллик йиғилишидаги нутқида келтирилган маълумотларга кўра, шу даврда мамлакатга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди, товар ва хизматлар экспорти уч баравар ошди,



иқтисодиёт ҳажми 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етди.

Ушбу рақамлар изчил ташқи сиёсатнинг мамлакатимиз ички ҳаётидаги инъикоси ҳамдир.

Хорижий инвестициялар самараси одамлар турмушида акс этиши керак. Чегара келишувлари савдогарлар ҳаражатини камайтирса, халқимиз дунёнинг турли давлатларига эмин-эркин бориб келса, узоқ йиллар айри яшаган қариндошлар бир-бириникига ҳеч қандай тўсиқларсиз қатнай бошласагина қийматга эга. Бугун буларнинг барчаси ҳақиқатга айланди. Ваҳоланки, бундан ўн йилча олдин булар ҳақида орзу қилишга ҳам ботина олмадик.

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсатни ички тараққиётдан узилган алоҳида соҳа сифатида кўраётгани йўқ. У дипломатияни иқтисодиёт, ҳудудлар ривожини, иш ўринлари, энергетика, сув, таълим ва технологиялар билан боғлаётти. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ташқи сиёсатдаги туб бурилиш давлатимиз раҳбари бошлаган умумий давлат ислохотининг таркибий қисмидир.

ҚўШНИЧИЛИК – ЭНГ КАТТА ТАШҚИ СИЁСИЙ ИСЛОҲОТ

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати энг яқин қўшнilar билан алоқаларни мустақамлашдан бошланди. Қўшни давлатлар билан совуқ муносабатлар сақланиб қолганида, Ўзбекистон жаҳонга тўлиқ очила олармиди? Ахир мамлакатнинг ҳар қандай транспорт йўли, сув манбаи, энергетика алмашинуви ва минтақавий савдоси қўшнilar билан бевосита боғлиқ-ку!

Президентнинг энг катта сиёсий жасорати ҳам, оқилона қарори ҳам шунда. У ташқи сиёсатни узоқдаги нуфузли пойтахтлар билан алоқаларни мустақамлашдан эмас, балки ён қўшнilar билан ишончли тиклашдан бошлади. Аввал чегаралар очилди. Қатновлар тикланди. Йиллар давомида йиғилиб қолган баҳслар музокаралар асосида ечим топди. Сув ва энергетика масалаларида мурося йўлига ўтилди. Президентлар ўртасидаги шахсий мулоқот вазирликлар, ҳудудлар, тadbиркорлар ва оддий одамлар алоқасига кўчди.

2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги шартнома имзоланиши ана шу сиёсатнинг тарихий натижаларидан бири бўлди. Марказий Осиё давлатларининг мустақил тараққиёти тарихида илк бор ўзаро чегаралар тўлиқ ҳуқуқий расмийлаштирилди. Кеча бир-биримизни ажратиб турган чегара бугун савдо ва дўстлик йўлига айланди. Давлатимиз раҳбари бу жараёни «Амалий ҳаракатларимиз, келажак учун масъулиятимиз, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлигимиз шунини исботлади: Янги Марказий Осиё тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз

девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз», деган оддий, лекин ўта салмоқли сўзлар билан ифодалади.

МИНТАҚА – УМУМИЙ УЙ, УМУМИЙ МАНФААТ

Марказий Осиёни нафақат умумий тарих ёки маданият, балки сув, энергетика, транспорт, экологик хавфлар ва иқтисодий эҳтиёжлар ҳам ўзаро боғлаб туради.

Бир давлатдаги сув сиёсати иккинчи давлатнинг қишлоқ хўжалигига таъсир қилади. Бир мамлакатдаги транспорт тўсиғи бутун минтақа савдосини секинлаштиради. Чўлланиш, музликлар қисқариши ёки Амударё оқимидаги ўзгариш ҳам умумий муаммомиз. Шу сабабли минтақавий ҳамкорлик ҳиссиёт ёки романтик бирлик ғоясидан анча кенгрок. У бугунги талатўп замонда яшаб қолиш ва тараққий этиш заруратидан келиб чиқади.

Президентимиз 2025 йил ноябрь ойида эълон қилинган концептуал мақолада Марказий Осиё қарорлар қозғода қоладиган макондан одамлар ва тижорат учун аниқ натижа берадиган умумий ҳудудга айланиши зарурлигини таъкидлади. Минтақадаги яқинлашув раҳбарларнинг сиёсий иродаси ва халқларнинг умумий манфаатни англаб етиши натижасидир. Шу ўринда муҳим бир фалсафий ўзгаришни англаб етишимиз керак. Илгари Марказий Осиё бешта алоҳида давлатнинг географик йиғиндиси сифатида кўрилган. Бугун эса у тобора ўз умумий манфаатлари, хавф-хатарлари ва келажак тасаввури шаклланаётган сиёсий маконга айланиб бормоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг ўрни бўлакча. У – минтақанинг барча давлатлари билан чегарадош ягона мамлакат. Аҳолиси, бозори, иқтисодиёти ва географик жойлашуви унга марказ мақомини беради. Табиийки, етакчилик географиядан кўра, ишончга боғлиқ масала. Қўшнilar Ўзбекистон ташаббусларида ўз манфаатини кўрса, Тошкентнинг салмоғи янада ортаверади. Агар марказийлик устунлик даъвосига айлansa, минтақавий ишонч заифлашади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ўтган ўн йил мобайнида минтақанинг умумий овози шаклланишига биринчи галдаги вазифа сифатида аҳамият қаратаётгани бежиз эмас.

КўП ВЕКТОРЛИЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Хитой, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи, Туркия, Форс кўрфазининг давлатлари, Япония, Корея Республикаси ва бошқа шериклар билан бир вақтнинг ўзида муносабатларни ривожлантиряпти.

Бу баъзан ҳамма билан бир хил масофани сақлаш сиёсати сифатида талкин қилинади. Амалда эса кўп векторлиликнинг мазмуни анча мураккаб.

Хитой – инфратузилма, саноат ускуналари, кредит ва технологияларнинг йirik манбаларидан бири. Россия – савдо, энергетика, меҳнат миграцияси, саноат

ва таълимда муҳим шерик. Европа Иттифоқи техник стандартлар, молия, яшил технологиялар ва муқобил транспорт йўналишларини таклиф қилапти. Форс кўрфазининг давлатлари энергетика ва инфратузилмага катта сармоя киритяпти. АҚШ технологиялар, муҳим минераллар, инвестициялар ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик йўналишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

2025 йилда мамлакатимизнинг Хитой билан савдо айланмасы 17,2 миллиард, Россия билан 13 миллиард, Қозғистон билан 5 миллиард, Туркия билан 3 миллиард долларни ташкил қилди. Корея Республикаси билан ҳам, Афғонистон билан ҳам савдо ҳажми 1,7 миллиард доллардан тўғри келди.

Бу нисбатлар Ўзбекистон барча шериклар билан тенг ҳажмда муносабат қилмаётганини кўрсатади. География, тарих, бозор ва инфратузилма айрим йўналишларни табиий равишда кучайтиради.

ТРАНСПОРТ – ГЕОГРАФИЯНИНГ МОДДИЙ СИЁСАТИ

Денгизга чиқиш имконияти йўқ давлат учун ташқи сиёсат йўллардан бошланади. Ўзбекистоннинг ҳар бир экспорти камда икки давлат ҳудудидан ўтиши керак. Чегарадаги ҳар бир кечкиш, тарифдаги ҳар бир фарқ ва транспортдаги ҳар бир узилиш махсулот нархига қўшилади.

Шу сабабли транспорт дипломатияси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли, Транскасий йўли, Афғонистон орқали Жанубий Осиёга чиқиш, Кавказ ва Туркия йўналишлари битта вазифага – мамлакатни ягона транзит тизимига боғлиқликдан халос этишга хизмат қилади. Транспортдаги кўп векторлилик ташқи сиёсатдаги кўп векторлиликнинг энг аниқ моддий ифодасидир.

ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ЭНГ КАТТА МАҚСАДИ

Тўғриси, биз – оддий одамлар Ўзбекистон ташқи сиёсати нимага қаратилганини ҳалигача англаб ета олмаймиз. Унинг энг асосий мақсади – тинч ва барқарор атроф-муҳитини яратиш. Чунки ўз қўшнilar билан низолашаётган давлат узоқ муддатли тараққиётга эриша олмайди.

Иккинчи мақсад – иқтисодиёт учун бозор, капитал, технология ва транспорт йўлларини кўпайтириш.

Учинчи мақсад – мамлакатнинг танлаш имкониятини сақлаб қолиш. Зеро, битта шерик, йўналиш ёки технологияга мутлақ қарамлик давлатнинг сиёсий мустақиллигини заифлаштиради.

Тўртинчи мақсад – Ўзбекистонни халқаро қарорлар қабул қилинадиган ва мулоқот ўтказиладиган майдонга айлантириш. Англаб етганингиздек, Самарқанд ва Тошкентдаги халқаро саммитлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бешинчи ва энг муҳим мақсад –

ташқи алоқалар натижасини халқимиз ҳаётида акс этиши.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилги мурожаатда ислохотлар натижаси ҳар бир маҳалла, оила ва инсоннинг кундалик ҳаётида сезилиши кераклигини таъкидлаган эди. Мухтарам Президентимиз ташқи сиёсатни ҳам очик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида давом эттириш вазифасини қўйди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – ЯНГИ ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ БОШ МЕЪМОРИ

Табиийки, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги мазкур бурилиш ўз-ўзидан юз бермади. Унинг бош ташаббускори, сиёсий ҳаракатлантирувчиси ва энг катта ислохотчиси – Шавкат Мирзиёев. Бу ҳулоса Президентимизнинг кўплаб давлатларга ташири, кўплаб давлатларнинг юқори даражадаги вакиллари билан учрашуви ёки кўплаб шартномалар имзолагани билан боғлиқ эмас. Асосий ўзгариш ташқи сиёсат фалсафаси ва устувор йўналишларнинг янгиланганида кўзга ташланади.

Айнан Президент Шавкат Мирзиёев сазй-ҳаракати билан қўшнilarимизга муаммо манбаидан кўра, умумий тараққиётимиз шериги сифатида қараш сиёсати шаклланди. Ташқи шериклар билан муносабатлар эса аниқ иқтисодий ва технология манфаатлар асосида қурила бошланди.

Саммитларда умумий баёнотлардан ташқари кенгашлар, жамғармалар, котибиятлар, транспорт йўлаклари ва инвестиция механизмларини тузиш тақлифлари илгари сурилди.

Президентимизнинг 2025 йилда Марказий Осиё билан боғлиқ концептуал мақоласида ушбу сиёсат пухта ўйланган тарихий курс экани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Унда минтақа давлатлари илк бор ҳақиқий бирдамлик босқичига ўтаётгани ва бу йўл онгли ҳаьда ортга қайтмас танлов экани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёевнинг аввал музлатилган масалани ҳаракатга келтириш, кейин сиёсий ишонч яратиш, сўнг уни аниқ механизм ва лойиҳага айлантиришдек ислохотчилик услуби ташқи сиёсатда ҳам яққол кўзга ташланади. Унинг ташқи сиёсий меросини очилган чегаралар, ўтказилган саммитлар ёки имзоланган шартномалар билан ўлчашнинг ўзи камлик қилади.

Энг катта ўзгариш – Ўзбекистоннинг, миллатнинг ўзини ўзи қандай тасаввур қилишида юз берди.

Бугун мамлакатимиз геосиёсий жараёнларнинг ташаббускор, манфаатларни боғлайдиган ва минтақавий кун тартибинини шакллантиришда иштирок этадиган давлат сифатида ҳаракат қилапти.

АФЗАЛЛИККА АЙЛАНАЁТГАН ГЕОГРАФИЯ

Афсуски, географияни ўзгартириб бўлмайди. Бироқ унинг қандай қисматга айланишини фақат сиёсат белгилайди. Макон бир даврда ихоталанганлик ҳиссини уйғотини, бошқа бир даврда эса имкониятлар чоррахасига айланиши мумкин. Мамлакатимиз сўнгги йилларда Шавкат Мирзиёевнинг кент уфқли сиёсати билан ана шундай маънавий ва сиёсий чегарани босиб ўтди. У ўзини қуруқлик йўларини бирлаштира оладиган мамлакат, Марказий Осиёни эса муштарак имкониятлар макони сифатида тасаввур эта бошлади.

Шубҳасиз, тафаккуримиздаги ўзгаришнинг бош меъмори – Шавкат Мирзиёев. У ташқи сиёсатни ёпиқ эшиклар ортидаги музокаралардан одамлар тақдирига дахлдор ислохотга айлантирди. Қўшничиликни куч-қудратимиз манбаи, мулоқотни муштарак манфаатларимизни ҳимоя қилиш воситаси, очиклики минтақавий тараққиёт шарти сифатида талқин қилди. Энг қийин босқич энди бошланыпти.

Чегараларни очиш оғир эди. Ишонч-ни тиклаш ундан ҳам қийин кечди. Энди ана шу ишончни самарали ишлайдиган бозорга, транспорт йўлакларига, умумий сув-энергетика қойдаларига ва барқарор минтақавий институтларга айлантириш керак. Президентимиз таъкидлаганидек: «Қўчимиз – бирликда, муваффақият сари йўлимиз – дўстлик ва ҳамкорликда».

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Ақл-идрок сасига мудом эҳтиёж сезсак-да, нечукдир унга кўп ҳам қулоқ солавермаймиз.

Ҳерман Ҳессе

ВАЪДАЛАР – МИЛЛИОН, НАТИЖА – ҚАРЗ

ёхуд «инфолўлилар» қандай бойийди?

Бугун ижтимоий тармоқларни очишин-гиз билан тез фурсатда бойитиб юбо-ришни ваъда қилаётган «муваффақиятли ёшлар»нинг жозибадор видеоларига дуч келасиз. Ҳали йигирмага ҳам тўлмаган йи-гит-қизлар қимматбаҳо хорижий автомо-биллар, Дубайнинг осмонўпар бинолари, замонавий офислар ва даста-даста пуллар фонида туриб лавҳа олишади.

«Ҳаётингни ўзгартир», «Мен билан бойиб кет», «Атиги битта курс сени орзуларингга етказди», дея даъват қилаётган бундай инфлюенсерлар халқ орасида «инфолўлилар» номи билан танилди. Бунинг ортида эса одамзоднинг энг нозик нуқтаси – тез ва осон бойиш, муқтожликдан бир зумда қутулиш истаги устига қурилган йи-рик ва тизимли молиявий манипуляция турибди.

Ушбу сохта ваъдалар содда кўрин-са-да, психологик жиҳатдан пухта ишлан-ган – инсонда мўъжиза қутғиш, меҳнат қилмай бойликка эришиш ҳиссини уйғо-тади. «Трейдингни уч кунда ўргатаман», «Криптовалютадан кунига 100 доллар то-пишни бошланг», «Ўйдан чиқмай бойиб кетинг» каби шиорлар ортида эса кучли ижтимоий босим ётади.

Томошабин онига «Агар ҳали ҳам ой-ликдан ойликкача яшаётган бўлсанг, де-мак, замондан ортда қолгансан, фикрла-шинг эски», деган қараш сингдирилади. Инсон ўзини омадсиз, журъатсиз, имко-ниятлардан фойдалана олмаётган одамдек ҳис қила бошлайди. Айнан айбдорлик ва шошилиш қарор қабул қилиш ҳисси йи-гит-қизларни, ҳатто уларнинг ота-онала-рини ҳам тузоқ сари етаклайди.

Сохта «бойиш курслари»нинг қим-матлигини айтмайсизми? Катта даромад

илинжидаги ёшларда бундай маблаг бўл-маслиги тайин. Шунда фарзанд ота-она-сини пул топишга мажбурлайди, оиланинг сўнгги жамғармалари сарфланади, уйдаги қимматбаҳо буюмлар ломбардга қўйилади ёки юқори қойилзи микроқарз расмий-лаштирилади.

Фирибгар қуруқ ваъда сотиб, пулини олади. Харидорнинг бўйнида эса қутилган миллионлар ўрнига қарз, оилавий можа-ролар, рухий тушқунлик ва баъзан судма-суд юриш ташвиши қолади.

Масалага чуқурроқ қаралса, бу – оддий интернет фирибгарлигидан кўра хавфли-роқ ҳодиса. Бундай тизим турмушини ях-шилашга интилаётган, аммо молиявий би-лими ва барқарор даромади етарли бўлма-ган инсонларни нишонга олади. Натижада муқтожликдан қутулиш илинжидаги одам янада оғирроқ қарз ва қашшоқлик гирдо-бига тушади.

Ижтимоий тармоқларга қарасангиз, ми-жозларнинг аксарияти алданганидан ши-коят қилишади. Чунки «ёпиқ», «махфий» ва «эксклюзив» деб тақдим этилаётган курсларда кўпинча профессионал билим-дан асар ҳам бўлмайди. Уларнинг асоси YouTube ва бошқа очик платформаларда йиллар давомида бепул турган бошлангич видеодарслардан йиғилади. Кейин бу маъ-лумотлар чиройли дизайн, баландпарвоз тақдимот ва сунъий сирлилик пардаси остида қиммат нархга сотилади.

Харидор эса амалий кўмак, иш ўрни ёки ваъда қилинган даромадни ололмайди. Курснинг ҳақиқий қиймати аён бўлиб, мижоз пулини қайтаришнинг талаб қилса, айрим «миллионер устозлар» уни қора рўйхатга киритиб, алоқани узади.

Муаммонинг яна бир нозик жиҳати шартномаларда яширинган. Харидорлар кўпинча «индивидуал консалтинг», «ахбо-рот хизмати» ёки «муаллифлик дастури»



деб номланган ҳужжатларга имзо қўяди. Хизматнинг аниқ натижаси, сифати ва ижрочининг масъулияти ноаниқ ифодо-лангани боис курс сотувчилари «биз маъ-лумот бердик, натижа сизнинг тиришқоқ-лигингизга боғлиқ», деган баҳона билан жавобгарлиқни миқозининг ўзига юклайди.

Албатта, ҳар бир самарасиз курсни фи-рибгарлик, дея баҳолаб бўлмайди. Аммо рекламада кафолатланган даромад ваъда қилиниб, амалда оддий ва очик маълумот сотилса, бу жиддий ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларни талаб қилади. Таълим ёки консалтинг номи остида фаолият юри-таётган шахслар устидан қонуний назо-ратни кучайтириш, рекламадаги даро-мад ва кафолатларга доир даъволарни текшириш, шартномаларда хизмат маз-муни ва пулни қайтариш тартибини аниқ белгилаш зарур.

Реклама агентликлари, блогерлар ва машҳур шахслар ҳам масъулиятни ҳис қилиши керак. Улар ҳақ эвазига тавсия қилаётган ҳар қандай курс ортида минг-лаб инсонлар ишончи, маблаг, кела-жаги турганини нуутмаслиги лозим. Кўп миллионлик аудиторияга эга одамнинг «мен фақат реклама қилдим» деган баҳо-наси маънавий жавобгарлиқни бекор қилмайди.

Бироқ энг самарали ҳимоя аҳоли-нинг, айниқса, ёшларнинг медиа ва мо-лиявий саводхонлигини оширишдир. Қолаверса, пул, бойлик ўз-ўзидан келиб қолмайди. Унга билим, меҳнат, ҳунар билан эришилади. Сохта ваъдаларга ал-даниб, келажагингизни қарзлар гирдо-бига ташламанг!

Дилдора АМУРҲОЕВА

Мулоҳаза

Ачинарлиси, аэропортдан меҳ-монхонагача бўлган қарийб йи-гирма километрик йўлда тўртта йўл-транспорт ҳодисасига гувоҳ бўлдим.

Бангкокда бир ҳафта юриб, би-рорта автофалокатни кўрмаган эдим. Бу, эҳтимол, тасодифдир. Аммо ўша тунги манзара сафар давомида кўрганларимни яна бир бор ўйлаб кўришга мажбур қилди. Биласизми, саёҳат дунёқара-шимни ўзгартирди. Энди йўлда кимдир ноҳўя ҳаракат қилса, сиг-нал чалишга шошилимайман. «Ҳаё-ли қочгандир, бошида ташвиши бордир», деб тушунишга ҳаракат қиламан. Тўғри овқатланишга ин-тиламан, ҳар кун ҳеч бўлмаса йигирма дақиқа жисмоний машқ қилишга вақт ажратаман.

Хориждан фақат технология ёки кийим-кечак келтирмасдан, чет элликларнинг одоб бораси-даги эзгу жиҳатларини ҳам ўз-лаштирсак ёки ўзимизнинг асл қадриятларни тикласак, тўғри бўлади, назаримда.

Аслида, булар биз учун мутлақо бегона қадриятлар эмас. Каттага ҳурмат, кичикча иззат, йўловчига йўл бериш, табиатни асраш, би-ровнинг кўнглини оғритмаслик – буларнинг барчаси ўзимизда ҳам азалдан бор. Гап ўзимизнинг энг яхши фазилатларимизни қайта тиклашда.

Маъруф АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Жиззах вилояти
кенгаши раисининг ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиси

Долзарб мавзу

Сўнгги йилларда давлат хизматларини рақамлаштириш доирасида болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотла-рига электрон навбат асосида қабул қи-лиш тизими жорий этилди. 2018 йилдан ота-оналар фарзандини Давлат хизмат-лари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали нав-батга қўйиш имкониятига эга бўлди. Ти-зимдан кўзланган асосий мақсад қабул жараёнида шаффофликни таъминлаш, турли овозгарчилик ва суиистеъмол-ларнинг олдини олиш эди.

НАВБАТДА САРҒАЙГАН БОЛАЛИК



Аммо амалиётда бу мақсадлар ҳар доим ҳам қутилган натижаларни бер-маяпти. Айрим ҳудудларда фар-зандини тўғилган кунидеё электрон нав-батга қўйган ота-оналар бола уч, ҳатто тўрт ёшга тўлганида ҳам давлат боғча-сига йўлланма ололмаёпти. Табиийки, савол туғилади: навбат бир неча йилда ҳам келмаётган бўлса, тизим қай дара-жада самарали ишлаяпти? Навбат ку-тишнинг муддати борми ўзи?

Навбат йиллаб чўзилса, боланинг боғчада таълим ва тарбия олиши му-кин бўлган қисқа даврнинг салмоқли қисми бой берилади. Ахир нутқ, мустақил фикрлаш, тенгдошлар билан му-лоқот қилиш, жамоага мослашиш каби муҳим қўникмалар айнан мактаб ёши-гача шаклланади.

Муаммонинг иқтисодий оқибатлари ҳам бор. Фарзандини давлат боғчасига жойлай олмаган оилада кўпинча она ишлаш имконидан маҳрум бўлади. Бо-лани қариндошлар қарамоғида қолди-риш, энага ёллаш ёки хусусий боғчага жойлаштиришга тўғри келади. Бу эса оила даромадига салбий таъсир қилади.

Албатта, бугун хусусий боғчалар сони кўпайган. Уларда тарбияланаётган бола-лар ҳам оз эмас. Бироқ хусусий боғчалар-нинг ойлик тўлови бир неча фарзандли ёки даромади ўртачадан паст оилалар учун оғирлик қилади. Табиийки, кўпчи-лик давлат боғчасига навбат кутишдан бошқа чора тополмайди.

Шу боис ҳар бир ота-она фарзанди-нинг жорий навбат рақами, унинг кан-дай суръатда силжиётгани, муассаса-даги бўш ўринлар сони ва йўлланма олишнинг тахминий муддатини он-лайн тарзда кузата олиши лозим. Қайси маҳалла ва ҳудудларда навбат йиллаб чўзилаётган бўлса, давлат инвестиция-лари ҳам, аввало, ўша жойларга йўнал-тирилса, янги боғчалар қуриш, мавжуд муассасалар қувватини ошириш, бўш турган бинолардан самарали фойдала-ниш масалалари аҳоли эҳтиёжига қараб ҳал этилса, тўғри иш бўларди.

Болалар учун яратилаётган имкони-ятлар ҳам фарқлиқ бўлиши эҳти-боти керак. Чунки давлатга етиб бориши керак. Ҳар қанча болалик ҳам, боғча ёши ҳам навбат кутиб турмайди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

ЭЪЛОН

«National Bricks» МЧЖ корпораси «Evro Stroy Invest Projekt» МЧЖ га қўйилиши му-носабати билан «Evro Stroy Invest Projekt» МЧЖ қайта ташкил қилинмоқда.



«БОР-Э»ДАН «МАРҲАМАТ»ГАЧА...

«Куним асабий бошланди. Чорраҳада бурилаётганимда бошқа йўна-лишдаги «Ласетти» кутилмаганда йўлимни тўсиб, ортга қайрилди. Тур-тиб олишимга сал қолди. Алам қилгани – сигналимга жавобан телефонда гаплашаётган қондабузар қўли билан «Бор-э» мазмунида ишора қилди.

Яна бироз юргандим, ол-диндаги «Нексия» ҳеч қандай огоҳлантириш-сиз тўхтади. Капалагим учи-кетди. Бир амаллаб маши-намни тўхтатиб қолдим. Жаҳл устида сигнал чалгандим, рул-даги йигит ҳеч нарса бўлма-гандек беписанд қараб қўйди. Қани энди замон кўтарса-ю, пўстагини қоқсанг»...

Ҳамкасбимнинг бу нолишла-рини эшита туриб, ўтган йили Таиландга қилган саёҳатим ёдимга тушди. Бангкокнинг тор кўчаларидан бирида шеригим таксини тўхтатиб, салқин ичим-лик олиш учун дўконга кириб кетди. Бироздан сўнг ортга қара-сам, саккизта машина бизнинг уловимиз юришини кутиб ту-рибди.

Ҳозир сигналлар чалиниб, кимдир машинадан тушиб, такси қайдовчиси билан даҳанаки жанг бошласа керак, деб ўйла-дим. Аммо ҳеч ким миқ этмади. Хайдовчимиз ҳам хотиржам ўти-рарди. Қарийб беш дақиқа жойи-миздан жилмадик. Бекорга хаво-тирланганим қолди.

Бошқа куни бекатда одам кўп-лиги учун тор пиёдалар йўлагин-нинг бир чеккасида турдик. Мен даракхт соясига ҳаёл суриб, бил-май йўлни тўсиб қўйибман.

– Четга ўтинг, одамлар кутиб қолди, – деди шерикларимдан бири.

Ортга ўтирилсам, уч киши йўлакни бўшатишимни жимгина кутиб турибди. Ҳеч ким турт-мади, танбех ҳам бермади. Хижо-лат бўлиб, дарров четландим. Ўз сўрашга улгурмасимдан улардан бири бошини сал эгиб, икки каф-тини юзига яқинлаштирди. Гўё йўлни мен эмас, у тўсиб қўйган-дек уэр ишорасини қилди.

Шунда беихтиёр ўзимиздаги ҳолатларни эсладим: светфорда икки сония кечиккан хайдовчини узун сигналлар билан «сийлаш», бўлар-бўлмасга йўл ўртасида жан-жаллашиш...

Таиландда кўп кўчалар тор, асо-сан икки тасмали. Шунга қарамай, Бангкокда бирор марта важоҳат билан сигнал чалган ёки йўл ўр-тасида бақир-қақир қилган хай-довчини учратмадим. Албатта, бир ҳафталик сафар бутун шаҳар ҳақида қатъий ҳулоса чиқариш учун етарли эмас. Аммо кўрганла-рим йўл маданияти одамларнинг бир-бирига муносабатида бошла-нишини англатиб қўйди.

Шаҳарнинг тозалиги ҳам ҳай-ратга солди. Кўчада сочилиб ёт-ган чиқиндини деярли кўрмадим. Кўплаб маданий масканларга ялангоёқ кириш талаб этилади. Соатлаб айлансангиз ҳам, пай-погингиз кир бўлмайди.

Таиландликларнинг табиатга муносабати ҳам эътиборга молик. Шаҳар гул ва дарактларга бур-канган. Ҳатто кўп қаватли бинолар томида ҳам яшил майдончалар барпо этилган.

Шаҳар марказидан оқиб ўта-диган каналларда катта-катта ба-лиқлар бемалол сузиб юради. Нон ташласангиз, сув юзи ҳалқаларга тўлиб кетади. Шу манзарага қара-б, нега канал чиқиндига тўлма-ган, нега бу балиқларни овлаш-майди, деган ҳаёлларга борасиз.

Бангкокликларнинг омма-вий спорт билан шуғулланиши ҳам бизни қойил қолдирди. Ис-сиқ ва нам ҳавога қарамай, кечки пайт кўчаларда югураётган одам-лар кўпаяди. Бир сафар соатга қара-б турдим: тўрт дақиқа ичида йўлакдан юздан ортиқ киши чо-пиб ўтди.

Истироҳат боғларида мураб-бийлар спорт рақслари ва йоға машғулотларини бепул ўтка-зади. Машқ қилаётганлар ора-сида мактаб ўқувчисидан тор-тиб, кексаларгача бор. Кимдир саломатлиги учун югуради, ким-дир шунчаки ҳаракатдан завок олади. Мухими, спорт улар учун турмуш тарзининг бир қисмига айлانган.

Олам-олам таассуротлар билан юргимизга қайтдик. Самолёти-миз тунги соат иккилар атрофида Тошкент аэропортига қўнди.

Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнгулум ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.



MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OFIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Ulrida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Boshlaga topshirish vaqti – 23:00
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.**
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta
Shundan: 6 519 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma: 345**
1 2 3 4 5 6